Ўғитлаш ишлари тупроқ унумдорлиги олинадиган хосил миқдорига ернинг шўрланганлик даражаси озуқалари ва биологиясига қараб 1 гектаридан чиқиб кетадиган элементларни хисобга олган холда режалаштирилади. Ғўза турларининг тез ривожланиши ва кейинчалик мўл пахта хосили етиштирилишини таъминлашининг асосий шартларидан бири нихолларни яганалашдир. Яганалаш пайтида бақувват ва соғлом ўсимликлар қолдирилиб заиф ривожланаётганлари олиб ташланади. Ғўзанинг усув даврида бир неча бор бегона ўтларни йўқотиш учун чопиқ қилишга тўғри келади. Ўтоқ ва чопиқ қилиш ишлари усув даврининг бошларида култиватциядан сўнг бажарилганда яхши самара беради ва бунда кам мехнат сафланади. Ғўзанинг ўсув даврида 2-3 марта ўтоқ қилинади.

Ғўзани суғориш унинг суғориш муддатлари ва талабига биновн ривожланиши фазаларига қараб ривожлантирилади ва амалга оширилади. Агар тупроқ яхши ва қумоқ бўлса гуллагунча 500-600 $м^3$/га гуллаш мевалашда 700-800 $м^3$/га ўртача бўз тупроқларда гуллагунч 600-700 $м^3$/га гуллаш мевалашда 800 $м^3$/га сув берилади.

Ғўза зараркунандалар томонидан энг кўп зарар кўрадиган ўсимликлардан биридир. Ғўза 200 турдан ортиқ зараркунанда борлиги аниқланган улардан кўсак қурти кародрина кўп қурт тунлаши, таъмаки трипкоси, ўргимчаккана ва ширалар кўплаб учрайди. Шунингдек хавфли касалликлардан илдиз чириши гоммоз вилт, макроспородиоз кабилар пахта далаларида кўп содир бўлади. Шунинг учун хосилни химоя қилишни табақалаштирилган усулдан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Эрта ва мўл хосил етиштириш технологиясида ғўзани чеканка қилиш мухим агротехник усуллардан бири хисобланади бунда ғўзанинг бошпояси учлари ва ёнланма усув шохлари чиканка қилинади. Чунал озиқ элементлари сув билан бирга хосил шохларига қараганда уларга кўпроқ ўтади. Чиканкадан кейин озиқ моддалар юқорига ўсув шохлари ўртача хосил органларига йўқолади. Чеканка қилиш хосил тўплашга имконият яратади, хосилдорликни оширади ва пахта сифатини сифатини яхшилайди.

Ғўзанинг теримга тайёрлашда ососий агротехник тадбирлардан бири дефаляциядир. Бу кўсакларни очилишни тезлаштиради. Тола миқдорини оширади. Хосилни ўз вақтида териб олишни таъминлайди. Йиғим терим ишлари тугагандан кейин далалар ғўзапоядан тозаланади.

# 4. ҒЎЗА ШИРАЛАРИНИ БИОЛОГИЯСИ, ТАРҚАЛИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ЗАРАРИ

Ғўзага ўсимлик шираларининг бир неча тури зарар етказади. Булар орасида беда ёки окацил шираси ғўза ёки полиз шираси ва катта ғўза шираси хавфлидир. Ўсимлик ширалари баргларни суюқликларини сурадди. Буни оқибатида поя ва илдизлардаги запас углеводлар миқдори кескин камайиб кетади. Қаттиқ зарарланган баргларнинг шакли ўзгаради ва бужмайиб қолади. Бундай ўсимликлар жуда суст ўсади. Зарарланган ўсимликларда хосил 30-51 % гача камайиши мумкин. Ўсимлик ширалари – Homopzera туркумига Aphidoe оиласига мансуб сўрувчи майда хашорат бўлиб чала ўзгариб ривожланади.

Ўсимлик ширалари шакли жихатдан бир неча хил бўлади, чунки булар ўртасида тирик туғувчи қанотсиз урғочилари тухум қўядиган қанотсиз урғочилари қанотли эркаклари бор. Ширалар хароратга қараб 20-26 та беда бити эса 12-15 тагача авлод беради.

Урғочилари ёзда 18 кун яшайди ва 150 тагача личинка туғади. Личинкалар ривожланиб тўрт марта гуллайди ва беш ёшни кечиради. Оз – оздан ёғин тушиб турадиган сернам кўклам об – хавоси ўсимлик битларининг ривожланишига ёрдам беради. Аммо шовуллаб ёққан кучли ёмғирлар уларни йўқотади. Об – хавоси қуруқ бқори хароратли районлардан ўсимлик ширалари кўплаб ривожланмайди. Яшаш шароити ёмонлашганда оиқ етишлганда шунингдек асосий ва оралиқ озиқбоп ўсимликлар алмашганида битлар жойдан – жойга кўчади. Яшаш жойи алмашганда учуғланган тухумларасосий ўсимликларда қишлайди. Улардан бир – иккита (қанотсиз) ширалар авлоди ривожланади. Иккинчи – учинчи авлодларда қанотсизлар орасида тирик туғувчи қанотли урғочилари пайдо бўлиб улар оралиқ экинларга учиб ўтиб, бир қанча қанотсиз шира авлодларини бера бошлайди. Битларни йўқотадиган афидофог – йиртқичлар ва паразитлардан

46 та тури рўйхатга олинган. Булар жуда катта ахамиятга эга улар баъзан ширaларнинг 90 % гача йўқотади.

Беда ва акацил шираси – (Aphis czyeccivora koch) Хаммахор зараркунанда бўлиб ўрта осиёда кенг тарқалган.

Акацил шираси ғўзадан бошқа беда оқ акацил ерёнғоқ эспарует вика, бурчоқ нўхат шунингдек полиз экинларига жами 52 тур ўсимликка зарар етказади.

Ўсимлик биринчи ғўзага май – июнь ойларида энг кўп зарар етказадиу ғўзанинг ўсиш ва ривожланишини сусайтиради.

Тирик туғувчи урғочисининг танаси йилтроқ қора бўлиб бўйи 1,3-2,2 мм га боради. Мўйлови танасининг бўйидан каттароқ сариқ тусли қорамтир – қўнғир йўллари ва думи қорамтр қўнғир рангли. Тухум қўядиган урғўчилари тўк тусли бўлиб хамма сегментларда қопқора бўртиклари бор. Эркаки қанотли қора бўлади. Личинкаси қўнғир бўлади, акация шираси бедада ёки акацияда тухум фазасида қишлайди.

Эрта кўкламда беда – пояда пайдо бўлган шира гудаларини кўриш мумкин. Беда шираси беда дағаллашгунга қадар бедада ривожланади кейинчалик бошқа ўсимликларга ўтади.

Беда шираси ғўзада бир ой отрофида яшайди. Аммо ана шу оз вақтида хам улар ғўзага кучли зарар келтириш мумкин. Қанот пайдо қилган ширалар беда пояга учиб ўтади ва кеч кузгача ўсимликнинг илдиз бўғзида бўлади. Аммо озиқланиш шароити ноқулай бўлганлиги учун кўп ўғит олмайди.

Полиз шираси – (Aphis gossypii Glov) хоммохур зараркунанда бўлиб ўрта ўсиёда кенг тарқалган. Ўсимликларнинг 46 та турига шикаст етказади. Кўпроқ ғўза, полиз экинлари ерёнғўқ карам, кунжут ва хоказоларга зарар етказади. Қанотсиз ширанинг танаси тухум шаклида бўлиб бўйи 1,25-2,1 мм гача боради. Ранги кўкиш ёки сариқдан тўқ яшилгача бахор ва ёз ойларида аксари ўтсимон яшил ва сарғиш тусларда учрайди. Кузда эса тўқ яшил рангда бўлади. Тирик туғувчи урғочиларининг боши кўкраги оёқларининг учлари ва

шира сўрадиган найчалари қора тусда учрайди қанотли шираларни шира найчалари қанотсизларникига нисбатан қалтироқ бўлади.

Полиз шираси бегона ўтларда асосан тугмачагул каби ўсимликларда личинка ва етук хашорат холида кишлайди.

Полиз шираси апрель ойида қишлаб чиқади ва дастлабки вақтда бегона ўтларда учрайди май ойининг бошида ғўзага полиз экинларига учиб ўтади. Май – июнь ва сентябрь – октябрь ойларида ёппасига учиб кўпаяди.

Катта ғўза шираси – (Acyzfhis gossypii Mordy) барча пахтакор районларда кенг тарқалган. У ғўзадан ташқари мош, ловияги бегона ўтлардан янтоқча зарар келтиради. Катта ғўза шираси анча йирик хашорат етук шира тонасининг узунлиги 3,5-4,5 мм га боради. Ривожланишнинг хамма босқичлари қизил оёқ учлари қўнғир тусли бўлади. Оёқлари ва шира найчалари жуда узун кейингисиники қорайиб 1,7 мм га етади.

Қанотлилари қанотсизлардан кичикроқ бўлади. Катта ғўза шираси ғўзапояда ва янтоқзорда тухум фазасида қишлайди. У бохорда майнинг иккинчи ярмида ғўзапояда ривожланади ва ғўза майдонларига кўчиб ўтади. Катта ғўза шираси йил давомида тўлиқ ривожланиш даврини ўтайди ёзда портеногенетик усулда кўпаяди кузда эса битта жинсий бўғин натижасида тухум кўяди.

**Ғўза шираларини зарарлилик даражаси**

Юқоридагилардан кўриниб турибдики ғўза ўсиш ривожланиш даврида асосан 3-турдаги ширалар (беда, полиз ва катта ғўза) зарар келтиради. Бу шираларни ғўза чинбарг чиқарганда то хосилни йиғиштириб олгунга қадар ғўза майдонларида учратиш мумкин.

Хушвақтов Қ.Х. (1994) таъкидлашича ғўза шоналаш давригача ширалар билан зарарланганда ғўзани ўсиш ва ривожланиши сусаяди барглар бужмаяди натижада 9,3 ц/га хосил йўқотилади. Бизга маълумки шираларни зарарлик даражасини хисобга олиш бошқа зараркунандаларга қараганда анча қийинроқдир. Шираларни зарарлик даражаси уларни ўсимликдаги олиб ўхирги натижа хосил йўқотилганлиги билан аниқланади. Хозирги вақтда

Ўзбекистонда шароитида шираларни зарарлик иқтисодий чегараси (ЗИЧ) ўсимлик 2-балли шкалада зарарланиши қабул қилинган. Шунинг учун шираларни зарарлик даражасини хисобга олмасак улар ўсимликни қаттиқ зарарлаши мумкин. Шиpалар билан зарарланган ғўзалар бахорда ўсиш ривожланишдан тўхтайди барглар бужмайиб қолади. Ғўза хосил органлари тўкилиб кетади. Кузда эса ширалор ажратган суюқликлар таъсирида пахта толаси ифлосланади.

Кўпчилик олимларни таъкидлашича ғўзани энг кўп полиз шираси (75-80%) кейин беда шираси (15-20%) ва нихоят катта ғўза шираси (5-10%) зарарлайди. Умуман булардан кўриб турибдики шираларни зарарлилик хусусияти жуда катта экан. Уларни зарарлик иқтисодий чегарасини (ЗИЧ) хисобга олган холда уларга ўз вақтида уйғунлашган химоя чорасини қўллаш биринчидан табиатдаги мувозанатни тўғрилаш иккинчидан эса пахта хосилини нобудгарчиликни олдини олишда катта ахамиятга эга. Юқоридагилардан келиб чиқиб биз ғўза шираларига қарши экалогик тоза ва орзон кураш чорасини қўллаш мақул деб хисоблаймиз.

Мен кейинги изланишларимда шуларга қарши агротехник кураш яъни аммофосни 10 % эритмаси билан уни самарадорлигини аниқлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

# 5. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ

## 5.1. Тажриба майдонида ғўзани ўсиш ва ривожланиши

Зарарли ва фойдали хашоратларни ривожланиши ғўза ривожланиши билан кескин боғлиқдир. Шунинг учун ғўзани ўсиш ривожланиши хисобга олмай туриб хашоратларни ривожланишини ўргана олмаймиз. Тажриба майдонида чигит экиш 10-апрель куни амалга оширилди. 7-10 кун ўтгандан кейин ғўза униб чиқа бошлади. Тажриба майдонида ғўзани ўсиш ва ривожланиши қуйидаги жадвалда кўрсатилган. Бугунги шоналар май ойининг 2-ўн кунлигида пайдо бўла бошлади. Июль ойини 1- чи ўн кунлигида шоналар сони юқори чегарага етди. Кейин улар ўз ўрнини гулларга бера бошлайди. Бу давирда 1 ўсимликда ўртача 20-22 дона шона борлиги кузатилди.

Гуллар ҳосил бўлиши июнь ойининг 2-чи ўн кунлигидан бошланди. Гуллар ҳосил бўлишини юқори чегараси июль ойининг 1-чи ўн кунлигига тўғри келди.

Биринчи кўсаклар июль ойининг 1-чи ўн кунлигидан пайдо бўла бошлайди. Кўсаклар тугиш сентябрь ойининг охиригачяа давом этди. Аммо асосий ҳосил органлари июль ва август ойларида пайдо бўлди.

**Тажриба майдонида ғўзани ўсиш ва ривожланиши**

**(1-ўсимлик ҳисобида)**

**жадвал 5.1.1.**

| Кузатилган кунлар | Ўсимликни бўйи (см) | | Шоналар сони (дона) | | Гуллар сони (дона) | | Кўсаклар сони (дона) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Назорат | Тажриба (агротехник кураш) | Назорат | Тажриба (агротехник кураш) | Назорат | Тажриба (агротехник ку - раш) | Назорат | Тажриба (агротех-ник ку- раш) |
| 1 V | 14 | 16 | 9 | 11 | - | - | - | - |
| 1 VI | 34 | 34 | 14 | 16 | 24 | 3 | - | - |
| 1 VII | 71 | 68 | 20 | 22 | 8 | 10 | 4 | 5 |
| 1 VIII | 90 | 89 | 8 | 10 | 9 | 10 | 10 | 9 |
| 1 IX | - | | 5 | 4 | 4 | 5 | 11,0 | 12,5 |

Бизнинг шароитимизда 1- чи кўсаклар август ойининг 1- ўн кунлигида очила бошлайди ва августни 3-чи ўн кунлигида 70-80% кўсаклар очилиб бўлади. Биринчи йиғим-теримга август ойининг охирида киришилди.

## 5.2. Ғўза шираларини ривожланиш динамикаси

Бизнинг шароитимизда ғўза ширалари сони кам бўлсада ғўза ўсишдан то ҳосил йиғиб олгунча ривожланиб зарар келтиради. Ғўза шираларини ривожланиш динамикаси қуйидаги жадвалда кўрсатилган. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики ғўза шираларидан биринчи бўлиб беда шираси зарар келтира бошлайди. Шу даврда у билан биргаликда полиз шираси ҳам ривожланиб зарар келтира бошлади. Ғўза шоналаш даврига келганда бу ширалар сони бир ўсимликда 35-38 донагача етди. Ғўза гуллаш даврига келиб ширалар сони камайиб бориб беда шираси умуман йўқолиб кетди. Ғўза ҳосил тугиш даврига келиб полиз шираси билан биргаликда ғўза катта шираси ҳам зарар келтира бошлади. Бу даврда ширалар сони бир ўсимликда

20-24 донагача етилганлиги аниқланди. Булардан биз шундай хулосага келдикки :

**Ғўза шираларини ривожланиш динамикаси**

**( 1-ўсимлик хисобида дона)**

**жадвал 5.2.1**

| Кузатиш кунлари | Назорат хеч қанақа кураш олиб борилмаган | Тажриба агротехник кураш аммофос 10% ли |
|---|---|---|
| | Беда, полиз ва катта ғўза шираси | Беда, полиз ва катта ғўза шираси |
| 10. V | 4,5 | 5,0 |
| 20. V | 20,0 | 18,0 |
| 1. VI | 35,0 | 38,0 |
| 10. VI | 31,0 | 05,0 |
| 20. VI | 36,0 | 4,0 |
| 1. VII | 20,0 | 14,0 |
| 10. VII | 14,0 | 5,0 |
| 20. VII | 6,0 | 5,0 |
| 1.VIII | 4,0 | 4,0 |
| 10.VIII | 11,0 | 7,0 |
| 20.VIII | 10,0 | 5,0 |
| 1.IX | 18,0 | 10,0 |

Ғўза ўсиб ривожланиб то хосил йиғиб олгунга қадар ғўза ширалари бир-бирини ўрнини алмашиб ривожланади ва зарар келтиради. Шуларни хисобга олиб биз тажрибамизни 2-чи вариантида ғўза шираларини сонини чегаралаш учун ғўза шоналаш даврида ғўза шираларига қарши агротехник кураш 10% ли аммофосни пуркалди.

### 5.2.1. Тажриба майдонида ўрганган этомофагларни ривожланиш динамикаси

Табиий энтомофаглар ғўза шираларини сонини камайтиришда катта ахамиятга эгадир. Тажриба майдонимизда шираларни асосий энтомофаглар кузатилди ва олтин кўз кўпроқ учради. Энтомофаглардан биринчи бўлиб хон қизи пайдо бўлди. Унинг ривожланиши май ойининг 2-чи ўн кунлигида бошланди. Хон қизини энг кўп учраган вақти июнь ойига тўғри келди. Бунда 100 – ўсимликда 52 та хон қизи борлиги аниқланди. Кейин хон қизини сони камайиб борди. Лекин мавсум охиригача кам миқдорда бўлсада учраб турди. Олтинкўз тажриба майдонида июнь ойининг бошларида пайдо бўла бошлади. Июнь ойининг бошларида олтинкўзни сони 43 дона (100-ўсимлик хисобида) га етди ва шундан кейин секин камайиб борди. Лекин олтинкўз ҳам мавсум охиригача тажриба майдонида учраб турди.

**Ғўза шираларини табиий кушандаларини ривожланиш динамикаси (100-ўсимлик ҳисобида дона)**

**Жадвал 5.2.1.1**

| Кузатиш кунлари | назорат | | Тажриба 10% аммофос | |
|---|---|---|---|---|
| | Хон қизи | олтинкўз | Хон қизи | олтинкўз |
| 10. V | - | - | - | - |
| 20.V | 8 | 3 | 8 | 4 |
| 1.VI | 24 | 18 | 29 | 19 |
| 10.VI | 39 | 22 | 37 | 19 |
| 20.VI | 47 | 33 | 52 | 28 |
| 1.VII | 36 | 38 | 41 | 43 |
| 10.VII | 32 | 32 | 28 | 29 |
| 20.VII | 21 | 23 | 19 | 21 |
| 1.VIII | 24 | 15 | 27 | 12 |
| 10.VIII | 13 | 18 | 8 | 10 |
| 20.VIII | 22 | 22 | 34 | 14 |
| 1.IX | 8 | 15 | 16 | 14 |

### 5.2.2. Ғўза шираларига қарши уйғунлашган кураш чоралари

Ҳозирги вақтда ўсимликлар химоясида ташкилий агротехника, кимёвий биологик ва бошқа кураш тадбирларини таққослаб қўллаш яъни уйғунлашган химоя системасини кенг қўллашга катта эътибор берилмоқда. Уйғунлашган курашни қўллаш фақат хосилни сақлабгина қолмасдан уни оширади, табиатдаги мувозанатни сақлайди, табиатдаги фойдали хашаратларни кўпайишига ёрдам беради ва энг асосийси атроф-мухитни захарли моддалар билан ифлосланишини кескин камайтиради.

Уйғунлашган кураш усулида ташкилий хўжалик ва агротехник тадбирларни айниқса зараркунандалар ва уларни табиий кушандаларини қишлоқ қалинлиги ва қишлашдан чиққандан кейинги миқдори ва тарқалиш майдонини аниқлаш экинлардан бўшаган ерларни ўз вақтида ва сифатли шудгорлаш ва бошқа агротехник чораларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш зараркунандаларни сонини камайтиришда ахамиятга эга.

***Кимёвий кураш услуби***

Ғўзани сақлашга доир тадбирлар системасида кимёвий усул етакчи ўринни эгаллайди. Кўпчилик олимларни фикрича пахтачиликда кимёвий воситалар ишлатиш натижасида йилига ҳар гектардан 4-5 ц хосил сақланиб қолинади. Шу билан бирга зараркунандаларга қарши курашга сарфланган маблағ 5-6 баробар қопланиб кетади.

Бироқ бу усулни афзалликларидан ташқари камчиликлари ҳам бўлиб, асосан атроф мухитни ифлослантиради, иссиққонли хайвонлар ва одам учун кучли зарар келтиради. Сурункасига бир хил препарат қўлланавериш натижасида хашоратларни уларга чидамлилиги ошиб кетади. Бундан ташқари табиатдаги фойдали хашоратларни ҳам кескин йўқолиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ғўза зараркунандаларига қўлланилаётган кимёвий воситаларни тактикасини такомиллаштирган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда энг яхши самара берувчи ва табиатда унга зарар келтирмайдиган пиретроидли препаратлар ғўза зараркунандаларига қарши қўлланилмоқда. Умуман ғўза зараркунандаларига уйғунлашган қарши кураш системасида кимёвий кураш ҳам мухим ўрин тутади аммо бу усулни жуда заруриятт туғилганда яъни зараркунандалар зарарлилик иқтисодий чегарасидан ошганда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

***Агротехник кураш усули***

Уйғунлашган кураш системасида агротехник усул асосий омиллардан бири хисобланади. Агротехник усул ғўзада унинг зараркунандаларга қарши қўлланилаётган кимёвий воситаларни кескин камайтиради. Шу билан биргаликда ғўза хосилини оширади.

Ўз вақтида ерни шудгорлаш зараркунандаларни қишлов фазасини 50% гача йўқотади. Ўз вақтида ерни ишлаш ва бегона ўтлардан тозалаш зараркунандаларни ривожланиш сонини кескин камайтиради.

Ҳозирги вақтда ғўзани сўрувчи зараркунандаларига қарши агротехник кураш чораси яъни ғўзани барг сатхидан озиқлантириш усули кенг қўлланилмоқда. Бунда 10% аммофос билан ғўза барг сатхидан озиқлантириш натижасида ғўзани ҳосили ошади. Шу билан биргаликда ундаги сўрувчи зараркунандалар сони 2-баробарга камаяди. Бундан ташқари бу усулни қўллаш хисобга кимёвий воситаларни қўллаш бир неча баробар камаяди.

***Биологик кураш усули***

Ғўзани зараркунандалардан химоя қилишда биологик кураш ҳозирги даврни асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Уйғунлашган кураш системасида биологик усул зараркунандаларни йўқотишда табиий кушандалардан ҳамда микробиологик препаратлардан фойдаланишга асослангандир. Биологик усул амалда бирор зараркунанда кўпайиб кетиш хавфи бўлган жойларда ана шу хашоратларнинг кушандаларини сунъий равишда ўрганиш ва далага чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Умуман юқоридагилардан кўриниб турибдики кимёвий агротехник ва биологик курашларни ўзига хос фойдаланилади. Бироқ шу курашларни уйғунлашган системага солиб яъни курашларни керакли вақтида зараркунандаларни зарарлилик иқтисодий чегарасини хисобга олган ҳолда ишлатилса зараркунандалар йўқотилиб хосил ошади балким шу билан биргаликда табиат атроф мухитни ифлосланишини ва табиатдаги мухитни ифлосланишини ва табиатдаги агробиоценозни бузилишини олдини олишда ҳам муҳим қадам бўлади деб ўйлаймиз.

## 5.3. Ғўза шираларига қарши қўлланилган агротехник кураш усулини биологик самарадорлиги

Тажриба ғўза шираларига қарши қўлланилган агротехник кураш усулини биологик самарадорлигини аниқлаш қўлланилган 10% ли аммафосни (22 кг 1 га) қанчалик ширалар сонини камайтириш билан белгиланади.

Тажрибада қўлланилган агротехник курашнинг биологик самарадорлиги қуйидаги формула бўйича ишлаб топилади.

$$БС = \frac{А-В}{А} \times 100 \text{ ф}$$

Тажрибамизда 3 июнь куни ширaларга қарши 10 % ли аммофос билан барг сатхидан озиқлантирдик. Бу даврда ширалар сони 1-ўсимликда 38 дона борлиги аниқланди. Қарши кураш ўтказилгандан кейин эса 10-июнь куни қайта текширувлар олиб борилганда 1-ўсимликда 15,0 дона қолганлиги аниқланди. Кейинги кузатувларда ширалар сони зарарлилик иқтисодий чегарасидан ошмаганлиги кузатилди. Натижада бошқа кураш чоралари олиб борилмади. Жадвал № 6.3.1 қўлланилган агротехник кураш усулини биологик самарадорлиги 60,5% фоизни ташкил этди.

**Ғўза шираларига қарши қўлланилган агротехник курашни биологик самарадорлиги (%-ҳисобида)**

**жадвал 5.3.1**

| Вариантлар | Текширув кунлари | Воситалар қўлланилгунга қадар бўлган зараркунан далар сони (1-ўсимлик хисобида дона) | Воситаларни ишлатилгандан кейинги қолган зарар-кунандалар со-ни (1-ўсимлик хисобида дона) | Биологик самарадорлик (%-хисобида) |
|---|---|---|---|---|
| I Назорат хеч қандай кураш чораси қўлланилмайди | 3.06<br>10.06 | 37,0<br>- | -<br>28,0 | - |
| II Тажриба агро-техник кураш 10 % ли аммофос 22,0 кг/га | 3.06<br>10.06 | 39,0<br>- | -<br>15 | 60,5 |

## 5.4.Тажриба натижаларини математик тахлили

Биз тажрибамиздан олинган маълумотларни хосилдорликни ва қўйилган тажрибани қанчалик тўғри олиб борилганлигини билиш учун, тажрибадан олинган маълумотларни математик йўл билан Доспехов (1985) услуби бўйича тахлил қилдик. Бу қуйидагича амалга оширилди.

**Тажрибада қайтариқлар бўйича хосилдорлик (ц/га)**

**Жадвал 5.4.1**

| **вариантлар** | **Қ а й т а р и қ л а р** | | | | **йиғинди** | **ўртача** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **I** | **II** | **III** | **IV** | | |
| I - назорат | 30,4 | 31,6 | 33,5 | 34,1 | 129,6 | 32,4 |
| II-тажриба | 34,2 | 34,7 | 37,1 | 38,0 | 144,0 | 36,0 |

$\pm$ 3,6 ц/га

$НСР_{05\%}$ - 22

$НСР_{05\ ц/га}$ – 0,87

## 5.5. Шираларга қарши қўлланилган агротехник курашни иқтисодий самарадорлиги

Биз тажрибамизда ғўза шираларига қарши агротехник кураш яъни 10 % ли аммофосни (22 кг/га) суспензиясини қўллаб назоратга нисбатан 3,6 ц/га қўшимча хосил олдик.

1. Хосилдорлик.

а) назорат – 32,4 ц/га

б) тажриба – 36,0 ц/га

II. Хосилдорликни вариантлар бўйича фарқи

а) назорат – 0 ц/га

б) тажриба – 3,6 ц/га

III. Хўжаликда пахтани сотиш бахоси 1 центнери ўртача 87253 сўмни ташкил этди. Бизда

1 ц – 87253 сўм

3,6 ц – х

$$X = \frac{87253 \, x3,6}{1} = 314110 \text{ сўм}$$

IV. Қўшимча хосил хисобига ялпи даромад олинди.

а) назорат – 0 сўм

б) тажриба - 314110 сўм

V. Етиштирилган қўшимча хосил учун кетган харажатлар

5.1. Ўсимликларни химояси учун. Тажриба вариантимизда ғўза шираларига қарши 10% ли аммофосни (22 кг/га) суспензияси қўлланди. 1 кг аммофос суспензияси тайёрлаш учун ва ишлов бериш билан биргаликда 1400 сўмга тўғри келди. Демак:

1 кг – 1400 сўм

22 кг - X

$$X = \frac{1400 \text{ x } 22}{1} = 30800 \text{ сўм}$$

5.2. Қўшимча хосилни ташиш учун кетган харажатлар. Хўжаликда 1 тонна пахтани ташиш учун 6130 сўм тўланди. Демак :

1 т - 6130 сўм

0,36$_т$ - X

$$X = \frac{6130 \times 0,36}{1} = 2206 \text{ сўм}$$

5.3. Қўшимча хосилни қуритиш ва юклаш учун кетган харажатлар. Хўжаликда 10500 сўм тўланди.

1т - 10500 сўм

0,36$_т$ - X

$$X = \frac{10500 \times 0,36}{1} = 3780 \text{ сўм}$$

5.4. Қўшимча хосилни териш учун кетган харажатлар.

Хўжаликда 1 кг пахтани териш учун 150 сўмдан тўланди

1 кг - 150 сўм

360 кг - X

$$X = \frac{150 \times 360}{1} = 54000 \text{ сўм}$$

5.5. Тажрибада бошқа харажат 15000 сўм бўлди.

VI. Жами харажатлар.

30800 + 2206 + 3780 + 5400 + 15000 = 105786 сўм

VII. Соф даромад.

314110 – 105786 = 208324 сўм

VIII. бир сўм харажат хисобига фойда.

208324 : 105786 = 2,0 сўм

**Иқтисодий самарадорлик**

**жадвал № 5.5.1.**

| № | Кўрсаткичлар | бирлиги | Вариантлар | |
|---|---|---|---|---|
| | | | назорат | тажриба |
| 1 | Хосилдорлик | ц/га | 32,4 | 36,0 |
| 2 | Қўшимча хосил | ц/га | - | 3,6 |
| 3 | 1ц пахтани давлатга сотиш бахоси | сўм | 87253 | 87253 |
| 4 | Ялпи даромад | сўм | - | 314110 |
| 5 | Жами харажатлар | сўм | - | 105786 |
| 5.1. | Ўсимликларни химояси учун | сўм | - | 30800 |
| 5.2. | Ташиш учун | сўм | - | 2206 |
| 5.3. | Қуритиш ва юклаш учун | сўм | - | 3780 |
| 5.4. | Териш учун | сўм | - | 54000 |
| 5.5. | Қўшимча харажатлар | сўм | - | 15000 |
| 6 | Соф даромад | сўм | - | 208324 |
| 7 | Бир сўм харажат хисобига олинган фойда | сўм | - | 2,0 |

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тажриба натижасидан қуйидагича хулса қилиш мумкин. Бизни хўжаликда ғўза ширалари (беда, полиз ва катта ғўза) ғўзанинг асосий зараркунандаларидан хисобланади. Улар ғўза чинбарг чиқаргандан то хосил йиғиб олингунга қадар кучли зарар келтиради.

Бизни шароитимизда ғўза шираларидан биринчи бўлиб беда қора шираси пайдо бўлиб зарар келтиради. Унинг зарари 1, 1,5 ой давом этади. Шу қисқа муддатда бу шира ғўзани ёш нихолларига кучли зарар етказади. Полиз шираси бахорда ғўза чинбарг чиқаргандан бошлаб шоналаш давиргача ўсимликни ўсиш ва ривожланишига катта зарар етказади. Ёзда эса ўсимликни хосил органларини тўкади. Кузга келиб полиз шираси зарари натижасида пахта толаси ифлосланади.

Ғўза гуллаш даврига келиб ғўза катта шираси ривожланади ва зарар келтиради. Умуман ғўза ширалари мавсум давомида ғўзага сезиларли даражада зарар келтиради. Бу шираларга ўз вақтида қарши курашилмаса улар ғўза хосилини 30-50 % гача айрим йиллари ёш нихолларни умуман йўқотишга олиб келади. Ғўза шираларига агротехник усулини (суспензия) қўллаш энг самарали усуллардан хисобланади. Тажрибада ғўза шираларига қарши қўлланилган 10 % ли аммофосни суспензиясини биологик самарадорлиги 60,5 % ни ташкил этди. Агротехник кураш хисобига тажриба майдонидан назоратга нисбатан 2,2 ц/га қўшимча хосил олишга эришилди. Ҳар гектар хисобига 208324 сўмдан соф даромад қилинди ва 1 сўм харажат хисобига 2,0 сўмдан фойда олинди.

Шулардан келиб чиқиб биз фермер хўжалигида уйғунлашган кураш системасини қўллашни таклиф этамиз. Бунда кўпроқ эътиборни агрохимик ва биологик курашга қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу хосилдорликни оширишга атроф мухитни тоза сақлаш ёрдам беради. Умуман зараркунандаларга айниқса шираларга уларни зарарини аниқлаб мавсум давомида камида икки марта суспензия билан ишлашни таклиф қиламиз.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Алимухаммедов С., Хўжаев Ш. "Ғўза зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари" "Ўзбекистон" Тошкент 1991 й.
2. Алимухаммедов С. ва бошқалар "Ғўзани биологик усулда химоя қилиш" мехнат Тошкент 1989 й.
3. Берим И.Г. "Ўсимликларни ҳимоя қилиш" Москва 1985 й.
4. Давлетшина А.Г., Журовская С.А. "Ғўза ширалари ва унга қарши кураш чоралари" Тошкент 1953 й.
5. Давлетшина А.Г. "Ўзбекистон шароитида ғўзанинг асосий зараркунандаларини энтомофаглари" Тошкент 1972 й.
6. Давлетшина А.Г. ва бошқалар "Беда қора ширасини ёппасига ривожланиши" Биология журнали № 3 1980 й.
7. Дерябен В.И. "Ғўзани сўрувчи зараркунандаларига қарши уйғунлашган химоя чораси" Тошкент 1981 й.
8. Доспехов Б.А. "Дала тажрибаси методикаси" Москва 1985 й.
9. Кан А.А., Ким Ч.Н. "Ғўза зараркунандаларини уйғунлашган усулда химоя қилиш" Тошкент "Мехнат"
10. Кан А.А. ва бошқалар "Фарғона водийси шароитида ғўзани сўрувчи зараркунандалари" Тошкент 1992 й.
11. Мигулин А.А. "Қишлоқ хўжалик энтомологияси" Москва 1983 й.
12. Насруллаев Д.Н. "Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари касалликлари ва уларга қарши уйғунлашган кураш чоралари" Самарқанд 1992 й.
13. Норзиқулов М.Н. "Полиз шираси биалогияси" Сталинобод 1948 й.
14. Нарзиқулов М.Н. "Ғўза ва беда шираларига қарши кураш чоралари" Сталинобод 1956 й.
15. Нарзиқулов М.Н. "Ғўза шираларининг иқтисодий зарарланиш чегараси" Душанба 1985 й.
16. Насритдинов К. "Ғўза зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш

чоралари” Тошкент 1976 й.

17. Невский В.Г. “Ўзбекистонда ғўза ширалари” Тошкент 1942 й.

18. Танский В.И. “Зараркунандаларни зарарланиш даражасини биологик асослари” Москва 1988 й.

19. Хамраев Ф.Х. “Ғўзанинг барг сатхидан озиқлантиришни унинг сўрувчи зараркунандаларига таъсири” Ленинград 1990 й.

20. Хадасиевич Н.И. “Ғўзадаги полиз ширасининг иқтисодий зарарланиш чегараси” Москва 1973 й.

21. Хушвақтов Қ.Х. “Зарафшон вохаси шароитида ғўзанинг асосий зараркунандаларига қарши уйғунлашган кураш чораси” Санктпетербург 1994 й.

22. Майхов Э.Т. ва бошқалар “Пахтачилик” Тошкент Мехнат 1990 й.

23. Швецова О.Н. “Ғўзани барг сатхидан озиқлантириш унинг сўрувчи зараркунандаларига чидамлилигини оширади”. Тошкент 1982 й.

24. Юзбошьян О.Ш., Хамроев Ф.Х. “Ғўзанинг сўрувчи зараркунандаларига уйғунлашган ҳимоя чораси” Тошкент 1982 й.

25. Хўжалик маълумотлари 2011-2013 йй.